Тошкент оқшоми

2006 ЙИЛ, 29 МАЙ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 101 (10.658)

Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда «Оммавий болалар спортини ривожлантириш — навқирон авлоднинг жисмоний ва маънавий соғломлигини шакллантиришнинг муҳим шарти» мавзуида илмий-амалий конференция ўтказди. Анжуманда сўнгги йилларда мамлакатимизда болалар оммавий спортини ривожлантириш масалаларига катта эътибор берилаётганлиги қайд этилди.

● Тошкентда «Ўзбекистон ёшлари: мақсад ва масъулият» мавзуида ёшлар форуми бўлиб ўтди. Икки кун давом этган ушбу анжуман ёшлар ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг мамлакатимизда фуқаролик жамияти қуриш ҳамда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлардаги фаоллигини оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

● Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда «Меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлиги: соҳада амалга оширилаётган ижобий ишлар, мавжуд муаммолар ҳамда уларнинг ечимини топиш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар» мавзуида давра суҳбати ўтказди.

● Маълумки, шу йили Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги кенг нишонланади. Шу муносабат билан Ўзбекистон тарихи Давлат музейида «Хоразм Маъмун академиясининг жаҳон фани ва маданияти тараққиётидаги ўрни» мавзуида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди. Мазкур анжуман давомида шунингдек, ЮНЕСКО билан ҳамкорликда тайёрланган «Хоразм Маъмун академияси» номли мультимедия ҳам намойиш этилди.

● Жиззах вилоятининг Фориш туманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг ижросини таъминлашга бағишланган вилоят амалий семинари бўлиб ўтди.

● Куни кеча Урганч халқаро аэропортига Хоразмга Австрия пойтахти Венадан 137 нафар сайёҳни олиб келган «А-300» русумли самолёт қўнди. «Австриан Эрлайнз» компаниясининг бу улкан ҳаво кемалари эндиликда Хоразмга мунтазам қатновларни амалга оширади. Шунингдек, режага кўра мазкур авиакомпания келгусида Япония, Франция, Германия ва Швейцария давлатларидан ҳам Хивага муттасил равишда сайёҳларни ташийди.

ЖАҲОНДА

● Германиянинг Берлин шаҳрида Европадаги энг катта темир йўл вокзалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда мамлакатнинг федерал канцлери Ангела Меркель иштирок этди. Тадбирда янги вокзалнинг жорий йилнинг июнь ойида бўлиб ўтадиган футбол бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати қатнашчилари учун катта қулайлик туғдириши ҳам таъкидланди. Фақат тантанали маросим якунланганидан сўнг 17 ёшли ўсмирнинг дуч келган кишиларга пичоқ санчиши тадбирга бироз соя солди. Ушбу ҳодиса натижасида 26 киши жабрланди.

● Индонезиянинг аҳоли жуда зич яшайдиган Ява оролида Рихтер шкаласи бўйича 6,2 баллик кучли зилзила рўй бериши натижасида камида 2700 киши ҳаётдан кўз юмди, 1500 нафар аҳоли турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Ҳозирда зилзила оқибатларини бартараф этиш, жабрланган кишиларни вайроналар орасидан олиб чиқиш ишлари давом этмоқда.

● Шарқий Тимор ҳукумат хавфсизлик кучларининг бир гуруҳ полициячиларга қилган ҳужуми натижасида 9 нафар шахс ҳаётдан кўз юмди, 27 киши яраланди. Мазкур тўқнашув Австралия, Янги Зеландия ва Малайзия тинчликпарвар кучларининг Шарқий Тиморда фуқаролик урушининг олдини олиш борасидаги ҳаракатларини йўққа чиқариши мумкин.

● 2004 йил сентябрда Бесланда террорчилар томонидан мактаб ўқувчилари, ўқитувчилар ва ота-оналарни гаровга олишда иштирок этган ягона тирик қолган террорчи Нурпоша Кулаев Олий суд томонидан умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

● Москва вилоятининг Дубна шаҳридаги Ядро тадқиқотлари бирлашган институти қошидаги амалий тадқиқот маркази олимлари томонидан қуёш ва юлдузлар энергиясини электр қувватига айлантириш имкониятига эга батарея ихтиро қилинди. Бутун жаҳонда ўхшаши бўлмаган мазкур батарея гетероэлектрик фотоэлемент ва гетеоэлектрик конденсатор асосида яратилган бўлиб, ҳар қандай об-ҳаво шароитларида кеча-кундуз ишлайди. Батареянинг қуввати — 10 минг ампер/соатни ташкил этади.

● Чеченистонда илк бор гўзаллар танлови ўтказилди. Танловнинг финал босқичида саралашдан ўтган 20 нафар энг соҳибжамол қиз ғалаба учун кураш олиб борди. Таъкидлаш жоизки, миллий урф-одатлардан келиб чиққан ҳолда қатнашчилар калта юбка ёки чўмилиш кийимларида чиқишмади.

● Германияда футбол бўйича XVIII-жаҳон чемпионатига тайёргарлик босқичи ниҳоясига етмоқда. Жумладан, дастлабки терма жамоалар ҳам бу ерга ташриф буюра бошлади. Биринчи бўлиб, муҳитга мослашиш ҳамда кўнгилдагидек машқлар ўтказиш мақсадида Германияга Гана терма командаси келди.

ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

●**ШАЙХОНТОҲУР** туман ҳокимлигида туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан туманнинг фаол аёллари иштирокида уюштирилган тадбирда аёлларнинг жамиятдаги ролини ошириш, балоғат ёшидаги қизларни мустақил ҳаётга тайёрлаш чоралари ҳақида сўз борди.

● **МИРЗО** Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Собир Раҳимов туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Университет маликалари» деб номланган кўрик-танлов ўтказилди.

● **ЮНУСОБОД** туманидаги «Бободеҳқон» маҳалласида туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида маҳалла фаоллари, туман маҳаллаларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари иштирокида ўтказилган тадбир «Ибратланиш—инсон зийнати» деб номланди.

●**СОБИР** Раҳимов туманидаги «Умид» маҳалласида туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан маҳалланинг фаол хотин-қизлари иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Никоҳ тузиш тартиби» деб номланди.

●**2-ТОШКЕНТ** Давлат юридик коллежида уюштирилган «Очиқ эшиклар куни» тадбирида шаҳримиз мактабларининг юқори синф ўқувчилари иштирок этишди.

●**ТОШКЕНТ** шаҳар Ўқувчилар ижодиёти марказида ёшлар ўртасида уюштирилган «Сиз тарихни биласизми?» кўрик-танловининг пойтахт босқичи бўлиб ўтди.

●**«ЁШЛИК»** талабалар шаҳарчасида «Маънавият ва маърифат» марказининг ташаббуси билан ўқитувчилар, санъаткорлар иштирокида уюштирилган адабий-мусиқий кеча «Ёшлик — қўшиқ ва шеър билан ҳамнафас» деб номланди.

●**«ТОШКЕНТЛЕНД»** боғида имконияти чекланган, меҳрга ташна болажонлар иштирокида уюштирилган хайрия тадбири 1 июнь—Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланди.

● **АЛИШЕР** Навоий номидаги Давлат академик Катта опера ва балет театрида ёш дирижёрлар ижросида ўтказилган концерт Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамкорликларида уюштирилди.

● **УЧТЕПА** туманидаги «Кўркамобод» маҳалласида маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтди.

Ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Маҳалланг—ота-онанг





МУСТАҚИЛ РЕСПУБЛИКАМИЗДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИДА ДАДИЛ ҚАДАМЛАР ТАШЛАНМОҚДА. АЙНИҚСА, ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ДЕМОКРАТИК, ЭРКИН ВА ОЧИҚ СИЁСАТ ЮРИТИШ, КУЧЛИ ДАВЛАТЧИЛИКДАН ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИГА ЎТИШ МАСАЛАСИ ДАВЛАТИМИЗНИНГ ИЗЧИЛ СИЁСАТИГА АЙЛАНИБ БОРМОҚДА. АЙНИ КУНЛАРДА БЎЛИБ ЎТАЁТГАН ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛ) ВА УЛАРНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИ ҲАМ МАНА ШУ ЙЎЛДАГИ МУҲИМ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ТАДБИРЛАРДАН БИРИДИР.

МУНОСИБ ЕТАКЧИ САЙЛАНДИ

Куни кеча «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудида жойлашган «Зиё» маҳалласида ҳам очиқ, ошкора руҳда, фуқаролар, айниқса ёшлар фаоллигида сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Сайлов жараёнига тўхталишдан аввал шуни айтиб ўтиш лозимки, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йилдаги қарорига биноан «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси мустақил маъмурий ҳудуд сифатида тузилган. Ушбу ҳудуднинг майдони 600 гектардан кўпроқ бўлиб, 9 та маҳалладан иборатдир. У ерда 42 мингга яқин турли миллат вакиллари истиқомат қилади. Бугун «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида жойлашган маҳаллаларда ҳам сайловлар уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Хусусан жами 5690 нафар аҳоли, асосан зиёлилардан таркиб топган «Зиё» маҳалласи талабалар шаҳарчасининг марказида жойлашган. Ушбу маҳаллада Тошкент Давлат техника университети, юридик, молия ва авиация институтлари талабалар турар жойлари жойлашган. Аҳолининг 4368 нафарини 19 дан 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этиши эса ёшлар маҳалласи эканлигидан далолат беради. Сайлов жараёнлари бошлангунга қадар маҳаллада «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги ташаббуси билан давра суҳбатлари, семинар ва учрашувлар ўтказилиб, ёшларнинг сиёсий билимлари бойитилди, сайловнинг мазмун-моҳияти кенг тушунтирилди.



«Зиё» маҳалласида бўлиб ўтган ҳисобот сайлов йиғилиши ҳақида бевосита тўхталадиган бўлсак, фан арбоблари, ўқитувчи ва мураббийлар, талаба-ёшлар иштирок этган ушбу тадбирда «Зиё» маҳалласи оқсоқоли Усмон Мансурхўжаев вақт ичида аҳолининг эҳтиёжидан келиб чиқиб амалга оширилган ишлар ҳақида батафсил маълумот берди. Хусусан, маҳаллага Тошкент Давлат техника университети томонидан кўрсатилиб келаётган катта ёрдам ҳақида, кам таъминланган оилалар, шунингдек жазони ижро этиш муассасаларидан ёки Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўтаб қайтган йигитларни иш билан таъминлаш масалалари, «Зиёкор-сервис» уй-жой мулкдорлари ширкати билан ҳамкорликда олиб борилаётган юмушлар билан йиғилганларни таништирди. Тафтиш комиссияси раиси Ботир Хабилов ўтган йиллар давомида ҳар бир фуқародан тушган ариза аввало тафтиш комиссиясида кўрилиб, кейин хонадонларга бориб ўрганилгани, ҳар бир иш учун ҳисобли, тежамли маблағ сарфлангани ҳақида ҳисобот берди.

—Маҳалламизнинг асосий қисмини, зиёли кишилар ташкил қилади,— деди муҳокамада сўз олган маҳалла фаоли Раҳмон Маматқулов.— Демак оқсоқолга улар билан ишлаш жуда осон, айни вақтда ҳам қийин. Қонун-қоида, ҳақ-ҳуқуқини тўла англаган фуқароларнинг талаби ҳам ана шунга яраша бўлади, уларнинг назаридан ҳеч нарса четда қолмайди.

Менинг таклифим ўз вазифасига ҳалол, виждонан ёндошиб, одамларни тўғри йўлга бошлай олишга қодир бўлган инсон Усмон Мансурхўжаевни қайта оқсоқолликка сайласак.

Шундан сўнг Абдуллажон Зияев, Тўлқин Бегматов, Ўктам Муҳаммаджонова каби маҳалла фаоллари, Тошкент Давлат техника университети талабаси Нодир Чориевлар ҳам сўз олиб ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Уларнинг сўзларида ҳақли бир савол ўртага ташланди.

Бугунги кунда маҳалла оқсоқоли ким бўлиши керак? Албатта халқнинг хоҳиш-истагини юксак даражада идрок эта оладиган, энг муҳими, маҳалла аҳли орасида обрў-эътиборга эга, ёшларга устозлик қила оладиган фидойи киши шундай вазифага лойиқ.

«Зиё» маҳалласида бўлиб ўтган сайловда кўрсатилган 4 нафар номзод орасидан муносиб деб топилган Усмон Мансурхўжаев энг кўп овоз олиб яна бир бор маҳалла оқсоқоли этиб қайта сайланди. Оқсоқолнинг маслаҳатчилари ва бошқа комиссиялар таркиби ҳам вакиллар, маҳалла фаолларининг хоҳиш-истаклари асосида сайланди.

Ушбу сайлов жараёнини кузатиш асносида шу нарсага яна бир бор ишонч ҳосил қилдикки, халқимиз элу юрт бахту саодати йўлида камтарона меҳнат қилаётган, том маънодаги оқсоқол, эл кайвониси бўла оладиган инсонларни билади ва муносибларни ўзига етакчи қилиб сайлайди. Истардикки барча маҳаллаларда ҳам мана шу ҳақиқат ўз аксини топсин.

Шоира МУҲАМЕДОВА

СУРАТЛАРДА: «Зиё» маҳалласида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлой-йиғилишидан лавҳалар

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА АХБОРОТ ФАОЛИЯТИ ВА МАЪЛУМОТЛАР УЗАТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ИДОРАЛАРАРО МУВОФИҚЛАШТИРИШ КОМИССИЯСИНИНГ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Йиғилишда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг комиссия томонидан аввал қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши юзасидан ахбороти тингланди.

Жумладан, телерадиоэшиттириш соҳасида радиочастота спектридан самарали фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги ҳукумат қарорининг ижросини таъминлаш юзасидан радиочастоталарни танлов асосида тақсимлаш ва телерадиоэшиттириш соҳасида фаолиятни амалга ошириш учун якка тартибда лицензиялар бериш масалалари кўриб чиқилди. Шу билан бирга, телерадиодастурларни тарқатиш билан шуғулланадиган қатор хўжалик юритувчи субъектларнинг қўшимча канал очиш ва қамров ҳудудини кенгайтириш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларни рўйхатга олиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги аризалари кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎзА

БЕРЛИНДА ГФР ҲУКУМАТИНИНГ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ТАРАҚҚИЁТ ДАСТУРИ ҲАМКОРЛИГИДА ЎТКАЗГАН "МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ" МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ЯКУНИГА ЕТДИ. УНДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ, ХУСУСАН, ЎЗБЕКИСТОН ҲАМДА ГЕРМАНИЯНИНГ СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА ЖАМОАТЧИЛИК ДОИРАЛАРИ, МИНТАҚА РИВОЖИГА КЎМАКЛАШАЁТГАН ХАЛҚАРО ИНСТИТУТЛАРНИНГ 150 ДАН ЗИЁД ВАКИЛИ ИШТИРОК ЭТДИ.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ – ЕВРОПА:

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Анжуман қатнашчилари бозор муносабатларига ўтиш даврида Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги минтақавий алоқалар ривожи, бу жараёндаги ҳуқуқий давлатнинг ўрни ва аҳамиятига алоқадор масалалар юзасидан фикр алмашди.

ГФР Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт вазирлиги давлат котиби Э.Шттаттер конференциянинг очилиш маросимида Марказий Осиёдаги хавфсизликни таъминлаш, энергетика соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга кўмаклашиш, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ва ШҲТ билан яқин ҳамкорликда экологик муаммоларни ҳал этиш масалалари Германия ҳукуматининг диққат-эътиборида эканини таъкидлади. У, шунингдек, Германия 2007 йилда Европа Иттифоқидаги раислиги давомида минтақага амалий ёрдам кўрсатишнинг устувор йўналишларини аниқлашга ҳаракат қилишини айтди.

Анжуман қатнашчилари сармоя жалб қилиш, энергетика соҳасида ҳамкорлик қилиш, сув заҳираларидан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш ва минтақа аҳолиси фаровонлигини ошириш каби энг долзарб масалаларни муҳокама қилдилар. Учрашувда Марказий Осиё мамлакатлари ўз тараққиёти масалаларини тобора баландроқ бош кўтараётган террорчилик, диний экстремизм, наркобизнес хавфи каби беқарорлик келтириб чиқарувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда ҳал этишга мажбур экани таъкидланди.

Ўз навбатида, Марказий Осиё мамлакатлари вакиллари иқтисодий ва ижтимоий тараққиётдаги фарқларга қарамасдан ҳар бир давлатнинг минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашга бўлган қатъий сиёсий ирода намойиш этаётгани ва бу ҳамкорликка ўз ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятида устувор йўналиш сифатида қараётганини таъкидлади.

Мунозаралар чоғида Марказий Осиёдаги иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишда биргаликда амалга оширилиши мумкин бўлган ҳаракатларнинг энг муҳим йўналишлари белгилаб олинди.

"Жаҳон" АА, Берлин

МУСТАҚИЛЛИК ВА ҲУҚУҚ

КУЧ — АДОЛАТДА. ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ДАСТЛАБКИ ДАВРИДАЁҚ БУЮК БОБОМИЗ, СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУРНИНГ УШБУ ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИБ: «АДОЛАТ - ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА» ДЕБ ТАЪКИДЛАГАНИ ЗАМИРИДА АЙНИ ШУ ҲАЁТИЙ ТАМОЙИЛГА ҚАТЪИЙ АМАЛ ҚИЛИБ ЯШАШ ЗАРУРЛИГИГА ДАЪВАТ ЭТУВЧИ ОДДИЙ, АЙНИ ЧОҒДА, МУҲИМ ҲАҚИҚАТ МУЖАССАМДИР.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИ БЎРИТОШ МУСТАФОЕВ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗДА ҚОНУН, АДОЛАТ ВА ҲАҚИҚАТ УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР, БУНДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ ҲАҚИДА СУҲБАТЛАШДИК.

— Мамлакатимизда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган, — дейди Б.Мустафоев. — Зотан, демократлаштириш жараёнида фаол иштирок этиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳар бир юртдошимиздан етук ҳуқуқий маданият соҳиби бўлишни тақозо этади. Бинобарин, ўз ҳақ-ҳуқуқини пухта билган инсонгина, аввало, оиласи, фарзандлари, юртдошлари ҳуқуқини, қолаверса, Ватан мустақиллигини ҳимоя қилишга қодир бўлади.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва конституциявий асослари мустақиллигимизнинг илк босқичидаёқ шакллантирила бошланди. МДҲ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб юртимизда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида қонун қабул қилинди. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ташкил топди. Кўппартиявийлик тизими сингари, ўзида мамлакат аҳолисининг барча қатламлари манфаатларини ифодалаган демократик институтлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кенг фаолият юритаётир. Оммавий ахборот воситаларининг эркин ривожланиши учун барча имкониятлар яратилган. Бизнес ва тадбиркорлик, фермерлик, касаначилик, халқ ҳунармандчилиги ривожига кенг йўл очилган.

Ғоятда қизғин кечаётган ушбу ижтимоий-сиёсий жараёнда халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, қабул қилинаётган қонунлар, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятини аҳолининг барча қатламлари онгига етказиш олдимизда турган долзарб вазифаларнинг энг муҳимларидандир. Ҳозирги кунда ҳаётимизнинг турли жабҳаларида бўлгани каби қонун ижодкорлиги соҳасини ҳам эркинлаштиришга қаратилган туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ана шу ижобий ўзгаришлар натижасида қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари замирида одамлар ҳақида ғамхўрлик ўз мужассамини топаётир.

Қонун ҳужжатларининг мазмунидан, айни чоғда, мамлакатимизда амалга оширилаётган қамрови кенг ислоҳотлардан, хусусан, давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимидаги демократик янгиланишлардан жамиятнинг батафсил хабардор бўлиши, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва маърифий савияси юксалиши жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш жараёнларини янада чуқурлаштиришнинг ғоят муҳим шарти бўлиб қолмоқда.

— Вазирлик ҳузурида янги ташкил этилган мустақил ахборот-таҳлил муассасаси — Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш маркази фаолияти ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 декабрдаги қарорига мувофиқ Адлия вазирлиги ҳузурида Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш маркази ташкил этилди.

Марказни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад юртимизда шакллантирилаётган ҳуқуқий, қонунчилик базасининг ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларига мувофиқлигини таъминлаш устидан изчил мониторинг олиб боришдир.

Марказ зиммасига қатор масъулиятли вазифалар юкланган. Жумладан, Марказ қонун ижодкорлиги, мамлакатимиз ҳуқуқий базасини ривожлантириш ва ислоҳ қилишга дахлдор идора, ташкилот ва муассасаларнинг шу йўналишдаги фаолиятини тизимли равишда таҳлил қилиш билан шуғулланади. У ижтимоий-сиёсий, социал- иқтисодий, гуманитар ҳамда бошқа фаолият соҳаларида демократик ўзгаришларни амалга ошириш учун зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш дастурларининг вазирликлар ва идоралар томонидан бажарилишини мониторинг қилиб боради. Бу борадаги ишларнинг амалга оширилаётган ислоҳотлар мақсад ва вазифаларига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича талабларга, халқаро нормалар ва стандартларга, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлигини баҳолайди.

— Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида вазирлик томонидан қандай чора-тадбирлар кўрилаяпти?

— Вазирлигимиз томонидан кичик ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, ишбилармонлар учун қулай иқтисодий муҳит яратиш ва уларни ишончли ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини барпо этиш ҳамда иқтисодий ислоҳотларни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш борасида аниқ ва таъсирчан механизм амалга оширилмоқда.

Аввало, ушбу йўналишда қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, янги қонунлар тайёрлаш ва қабул қилиш, шунингдек, иқтисодиётни янада эркинлаштиришга кўмаклашиш мақсадида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати, давлат бошқаруви идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат этувчи органлар билан ҳамкорлик кучайтирилди.

Президентимизнинг 2005 йил июнь ойидаги иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган фармонлари ва қарорлари жойларда қандай ижро этилаётганини танқидий ва тизимли равишда ўрганиш, шунингдек, тадбиркорларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари ушбу соҳаларда қонунбузарлик ҳолатларига ҳалигача йўл қўйилаётганини кўрсатмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагидаги ўрганишлар давомида 39 ҳолатда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ноқонуний тугатиш ва тўхтатиб қўйиш, 185 ҳолатда фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш лицензияларини (рухсатномаларини) ноқонуний равишда суд қарорисиз ўн иш кунидан кўп муддатга тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишини тугатиш фактлари аниқланди. Бундай қонунбузарликлар Жиззах, Андижон, Сурхондарё вилоятларида ва Тошкент шаҳрида кўп содир этилган.

Юртимизда 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш ва молиявий санкцияларни қўллаш фақат суд орқали амалга оширилишини кўзда тутувчи янги, тадбиркорлар манфаатига қаратилган тартиб жорий этилган. Шунга қарамай, айрим назорат қилувчи идоралар томонидан 190 ҳолатда ноқонуний равишда бевосита ўз қарорлари билан молиявий санкциялар қўллаш, 52 ҳолатда банклардаги ҳисоб операцияларини тўхтатиб қўйиш каби қонунбузарликлар содир этилганлиги аниқланди.

Мисол учун, пойтахтимизда фаолият юритадиган «Алқур», «SAD-KO», «FAZLIDDIN OTA», «Аблаз дўст», «Борисхон ота» каби олтмишдан зиёд тадбиркорлик субъектига нисбатан Бектемир туман давлат солиқ инспекциясининг қарорлари асосида қонунчилик талабларига зид равишда молиявий жазо чоралари қўлланилган. Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг жорий йилнинг 10 февралидаги тегишли тақдимномасига мувофиқ ушбу қарорларнинг барчаси бекор қилинди.

Жойларда бундай қонунбузарликлар нафақат солиқ идоралари, шу билан бирга, ҳокимликлар, назорат қилувчи ва бошқа маъмурий идоралар фаолиятида ҳам учраётгани ачинарлидир.

Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги идораларига жорий йилнинг биринчи чорагида қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари бузилган тадбиркорлардан 3987 ариза ва шикоят келган. Уларни кўриб чиқиш натижасида 2880, яъни 72,2 фоиз мурожаат ўз тасдиғини топди ва тадбиркорларнинг ҳуқуқлари тикланди. Шунингдек, «ишонч телефонлари» орқали қилинган 379 мурожаатнинг 164 таси бўйича шикоятчиларнинг ҳуқуқлари тикланди, 217 мурожаат юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашиш, маблағларини ноқонуний жалб этиш, рўйхатга олиш, коммуникация тармоқларига уланиш, газ, электр энергияси, сув таъминоти вақтида ва тўлиқ йўлга қўйилмаганлиги, тураржойларни нотураржойларга айлантириш, ер ажратиш ва уларни ҳужжатлаштириш жараёнларида ўтган йилларда аниқланган бюрократик тўсиқлар сезиларли даражада камайганини эътироф этиш ўринлидир.

Аммо, бу каби ҳолатларга жойларда бутунлай чек қўйилмаганлигини инобатга олган ҳолда, мазкур йўналишдаги ишларимиз изчил давом эттирилмоқда.

— Ўзбекистонда ўз ишини очган хорижий инвесторлар ва чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига қандай эътибор берилаяпти?

— Бугунги кунда мамлакатимизда чет эл сармояси иштирокида ташкил этилган 2951 корхона фаолият кўрсатмоқда. Шундан 2390 таси Ўзбекистон ва хорижий инвесторлар иштирокидаги корхона бўлса, 561 таси тўлиқ хорижий корхонадир. 2006 йилнинг биринчи чорагида хорижий инвесторлар ва чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар томонидан адлия органларига 478 мурожаат келган бўлса, шундан 321 таси асосли деб топилди. Мазкур мурожаатлар кўриб чиқилгач, хорижий инвесторлар ва чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш мақсадида тегишли вазирликлар ва идораларга 72 тақдимнома, 62 огоҳнома ва 21 кўрсатма хати киритилди.

Хорижий инвесторлар ва чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар ҳуқуқи бузилишига йўл қўйганлиги учун, адлия органлари тақдимномалари асосида, 44 нафар мансабдор шахс интизомий, 7 нафари маъмурий жавобгарликка тортилиб, бир нафар мансабдор шахс эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди. Бундан ташқари, судга киритилиб қаноатлантирилган 155 даъво аризаси бўйича хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар фойдасига 2,5 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ундириб берилди.

Вазирлик томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ҳамкорликда жойларда фаолият юритмаётган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар аниқланиб, уларга амалий ҳуқуқий ёрдам кўрсатилмоқда. Шундай саъй- ҳаракатлар туфайли айни пайтда 20 дан зиёд хориж инвестицияси иштирокидаги корхона фаолияти қайта тикланди.

Хорижий инвестор ҳам, юртимиз тадбиркори ҳам, аввало - инсон. Юртбошимизнинг талаби шуки: «Ислоҳот - инсон учун!». Шу боис, биринчи навбатда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг, иш одамларининг уларга етказилган зарарларини ундириб бериш, мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларини бартараф этиш, юртдошларимизнинг меҳнат ва ижтимоий масалаларга оид муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиш каби масалалар доимий эътиборимизда турибди.

— Фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш борасида қандай ишлар қилиняпти?

— Ўзбекистонда, Президентимиз Ислом Каримов парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги дастурий маърузасида таъкидлаганидек, аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари манфаатларини ифодаловчи, мамлакатимизда шаклланаётган фуқаролик жамиятининг асосий институтлари бўлган ноҳукумат ҳамда жамоат ташкилотларининг нуфузи ва таъсирини оширишга катта эътибор берилмоқда.

«Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» деган сиёсий қурилиш дастурини амалда тўла татбиқ этишдек кенг қамровли ҳамда теран жараён мустаҳкам ҳуқуқий асосда ва конституциявий қонун устуворлиги тамойилига мувофиқ равишда кечмоғи даркор. Бу борада истиқлол йилларида халқаро ҳуқуқ андозалари ва талабларига, шунингдек, дунё тажрибаси ва миллий-тарихий анъаналаримизга мос бир қанча қонунлар қабул қилингани, бошқача айтганда, зарур норматив-ҳуқуқий база яратилгани диққатга сазовор.

Бу қонун ҳужжатларининг мақсади юртимизда фаолият кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ривожланиши, ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиши учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратишдан иборат.

Таъкидлаш жоизки, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаолияти, даставвал, кам таъминланган оилаларни, кекса, хаста, қаровчисиз ва меҳнатга яроқсиз кишиларни муҳофаза этиш учун шарт-шароит яратиш орқали ижтимоий ислоҳотларни енгиллаштиришга, шаҳарчалар ва қишлоқ жойларда аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун кўмаклашишга қаратилгандир. Бу тузилмаларнинг фаолият доираси таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, атроф-муҳит муҳофазаси каби муҳим соҳаларга доир маҳаллий ва халқаро дастурларни қамраб олган.

Мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат томонидан кафолатланади. Конституциямизда, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Жамоат фондлари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида» ва бошқа қонунларда муҳрлаб қўйилган ҳуқуқ ва кафолатлар туфайли ҳозирги кунда мамлакатимизда қарийб беш минг нодавлат нотижорат ташкилот адлия идоралари рўйхатидан ўтказилган.

Ушбу тузилмалар ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олган. «Маҳалла», «Нуроний», «Соғлом авлод учун», «Сен ёлғиз эмассан» жамғармалари маҳаллалардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, таълим- тарбия, ободончилик ишларига кўмаклашиш, кекса ва ёлғиз кишиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, болалар ва оналар соғлиғини яхшилашга ёрдам бериш, етим ва ногирон болаларни парваришлаш йўналишларида, айниқса, самарали фаолият кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, ҳамкор давлатлар билан ўттиздан ортиқ дўстлик жамиятлари ташкил этилган бўлиб, улар Ўзбекистон билан тегишли давлатларнинг ўзаро манфаатли муносабатларини янада ривожлантириш ва халқларимиз ўртасида маданий-маърифий ришталарни мустаҳкамлашда ўз ҳиссасини қўшиб келаётир.

Юртимизда истиқомат қиладиган турли миллат ва элат вакиллари иштирокида ўнлаб миллий-маданий марказлар ҳам тузилган. Бу марказларнинг шу миллат, шу элатлар маданияти, тили, анъана ва урф-одатларини сақлаш, ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасидаги хизматлари эътиборни тортади.

Албатта, айрим нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаолиятида қонунчилик талаблари ва ўз таъсис ҳужжатлари доирасидан четга чиқиш ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Ўзини халқаро ҳуқуқнинг тўла ҳуқуқли субъекти деб билувчи ва худди шу мақоми жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган ҳар қандай суверен, мустақил давлат бошқа соҳалар қатори нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини ҳам ҳуқуқий тартибга солишни таъминлайдиган қонунлар, қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқиши ҳамда амалда қўллаши табиий ҳолдир. Масалан, Японияда ноҳукумат ташкилотлар сиёсий ва диний фаолият билан шуғулланмайди. Исроилда ноҳукумат ташкилот фаолияти ўз Низомидаги мақсад ва вазифаларга мувофиқ келмаса ёки давлат қурилиши асосларига зиён келтирса, суд қарори билан унинг рўйхатга олинганлиги бекор қилинади. Францияда эса нодавлат ташкилотлар ўзлари қўлга киритган чет эл грантларини ички ишлар вазирлигининг рухсати асосида ҳамда ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолдагина тасарруф этишлари мумкин.

Мамлакатимиз тажрибасида, айрим нохолис манбалар асоссиз гап тарқатганидек, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини «ёппасига тақиқлаш» амалиёти мавжуд эмас. Биргина мисол, қонунчиликни бузганлиги учун юртимиздаги «Умид қанотлари» маркази, «Ҳамроҳ консалтинг» жамоат бирлашмаси каби саноқли нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти тугатилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, вазирлигимиз барча ташкилотлар билан муносабатларда қонунийлик, очиқлик ва ҳамкорлик тарафдори бўлиб, қонунчиликни такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш, таълим, илм-фанни ривожлантириш, ногирон ва етим болаларга ёрдам кўрсатиш, ҳомийлик каби соҳаларда ҳамкорлик қилишга ҳамиша тайёр.

Бу борадаги ҳамкорлигимизнинг ижобий маҳсули сифатида бир қатор халқаро ва хорижий ташкилотларнинг ваколатхоналари ҳамда филиаллари фаолиятини тилга олиш мумкин.

Шу билан бирга, баъзи халқаро ва хорижий ташкилотларнинг ваколатхоналари ҳамда филиаллари фаолиятида миллий қонунчилигимизни бузиш ҳолатлари аниқлангани сабабли уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилганини ҳам айтиб ўтиш лозим. Жумладан, «Фридом Хаус» (АҚШ) ташкилотининг ваколатхонаси давлатнинг ички ишларига аралашганлик ва қонунга қатъий риоя этиш ҳақида огоҳлантирилганлигига қарамай, қонунга зид ҳаракатларини давом эттирди. Натижада тегишли суд қарори асосида ушбу ваколатхона фаолияти тугатилди.

Айни чоғда, қонун доирасида фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жамиятимизда обрў-эътибори ортиб, мавқеи тобора мустаҳкамланмоқда.

— Суд қарорларини ижро этиш бўйича етарлича ваколатга эга бўлган тузилма — Адлия вазирлигининг Суд департаменти фаолияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз...

— Суд департаменти тизимига юклатилган вазифаларни бажариш, жумладан, суд ва бошқа ваколатли органлар томонидан мажбурий ижрога берилган ижро ҳужжатларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, суд ижрочилари кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш, судлар ва суд ижрочиларининг фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, моддий-техникавий ва молиявий таъминотни такомиллаштириш юзасидан ўтган йил мобайнида ва жорий йилнинг биринчи чорагида қатор ишлар амалга оширилди.

Суд ижрочилари иш юритувига келган ижро ҳужжатлари сони ва ундирилиши лозим бўлган маблағлар миқдори ўтган йиллардагига нисбатан кескин ошганлигига қарамай, кўрилган амалий чоратадбирлар натижасида бу борадаги кўрсаткичлар сезиларли даражада яхшиланган. Хусусан, ўтган йили амалда бажарилган ижро ҳужжатлари сони 2004 йилдагига нисбатан 76,2 мингтага ошган, ўз галида, ундирилган маблағлар 221,5 миллиард сўмга кўпайган. Жорий йилнинг биринчи чорагида эса жами ундирувлар бўйича кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10,5 фоиз ошишига эришилди.

2005 йилда 74 та умумюрисдикция судларида ва 4 та Департамент ҳудудий бўлимларида қурилиш, таъмирлаш ишларига ҳамда тайёр биноларни сотиб олишга жами 1,4 миллиард сўм, 2006 йилнинг биринчи чорагида шу мақсадларга 500 миллион сўмга яқин маблағ ажратилди. Бир қанча туман, туманлараро ва вилоят судлари учун бинолар қурилди, айримлари учун бинолар сотиб олиниб таъмирланди. Барча умумюрисдикция судлари, Суд департаменти марказий аппарати ва унинг ҳудудий бўлимлари ҳамда суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлинмалари замонавий техника ускуналари ва мебель тўпламлари билан тўла жиҳозланди. Айни пайтда ҳуқуқни муҳофаза этувчи бошқа идоралар билан ҳамкорликда Департамент фаолиятини янада такомиллаштириш борасидаги фаолият давом эттирилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг: «Ҳуқуқ - бу мустақиллиқдир», деган оқилона хулосасида ғоятда теран маъно мужассам. Зотан, ҳақ-ҳуқуққа эга инсон Ватан, жамият олдида ҳамиша бурчлидир. Бурч нафақат улуғ мақсадлар йўлида жонбозлик кўрсатиш, балки айни вақтда муайян хатти-ҳаракатлардан ўзини тия билишни ҳам англатади.

Мухтасар айтганда, Мустақиллик, Ҳуқуқ ва Бурч - ўзаро боғлиқ, яхлит моҳиятни ўзида мужассам этган, бири-бирини тўлдирадиган тушунчалардир. Бугунги кунда ана шу тушунчалар аҳамиятини теран англаган ҳолда ўз фаолиятимизда уларга қанчалик кўпроқ таянсак, буюк мақсадимиз - демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш сари шунчалик дадилроқ илгарилаб бораверамиз.

ЎзА шарҳловчиси Ғулом МИРЗО суҳбатлашди

СИРЛИ ОЛАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари маълумотлари асосида тайёрланди

●Сувни қуёш энергияси ёрдамида шўрсизлантиришнинг янги услуби оддий технологияларга қараганда таннархни пасайтириш ва олинаётган истеъмол суви сифатини ошириш имконини беради. Димондаги Ядер тадқиқотлари маркази олими Дани Саги сувни шўрсизлантириш ва қуёш энергиясини олиш билан шуғулланадиган қатор фирмалар мутахассислари ёрдамида шунга эришди. Тадқиқот маълумотлари Саноат ва савдо вазирлиги бош илмий мутахассиси Амнон Эйнав буюртмаси бўйича бажарилди. Янги технология «Солель» компанияси томонидан ишлаб чиқилган, бу ерда «Луз» компаниясининг собиқ ишчилари ишламоқда. Бу компания яқинда тугатилди, лекин у 80-йилларда яратган қурилмалар ҳали ҳам АҚШнинг Жанубий Калифорния штатида қуёш энергиясини олиш учун ишлатилади. «Солель» компанияси қурилмалари қуёш энергияси ёрдамида буғ олиш учун қўлланилади. Ўз навбатида буғ электр олиш, совутиш қурилмалари ва бошқалар учун керакдир. «Матеола» Исроилда ўсади ва қишда гуллайди, шу тариқа, у табиий суғорилиши ва қуёш нури билан тўйиниши зарур. Кейинги уч йил ичида бу ўсимликни мамлакат манфаатлари учун саноат миқёсида етиштириш мўлжалланмоқда.

●Ҳиндистонда Самбор деб аталадиган кўл бор. Унинг суви йилнинг етти ойида шўр, беш ойида чучук бўлиб тураркан. Шунингдек, сув таркибида ош тузини берадиган хлорли натрий ҳам мавжуд эканки, бу Ҳиндистоннинг марказий ҳудудини туз билан таъминлайди, демакдир. Тожикистоннинг жанубида Хожа Мўмин деб номланадиган тоғнинг туздан бунёд этилганлигига ҳеч ким ишонмаса керак. Айтишларича, мазкур тоғдан овқат учун туз олинадиган бўлса, бутун ер юзига тахминан юз миллион йилга етар экан. Япониянинг Кюсю оролида ярми сариқ, ярми қизғиш рангли кўл бор. Кўлнинг бундай рангларда кўриниши сув тубида гугурт ва темир кукунларининг борлигидан экан. Улар қўшилганда, кўл сиёҳ рангига кирар экан.

●Агар сизни Малайзия бўйлаб саёҳатга таклиф этишса, йўқ демасдингиз, тўғрими? Аммо баъзибаъзида билмасдан ёлғон гапириб юборувчилар Малайзияга боришга шошилмай туришсин. Гап шундаки, у ерда мўъжизавий тош бор. Тошнинг ёриқлари орасига борлиғингизни қўйиб, бехосдан ёлғон гапириб юборсангиз тамом тош бармоғингизни ўша заҳоти қисиб қолади. Ким билади дейсиз, тошнинг бу сирли хусусияти балки ўзга сайёраликларга маълумдир.

●Сиз чойга солишни хуш кўрадиган лимондан бир инглиз соатсози электр токи олишда фойдаланмоқда. У лимонга рух ва мисдан ўтказгич улаб, электрон соатни ишлатиб юборади. Кўп ўтмай соат тўхтаб қолгандир деб ўйларсиз, йўқ, бу антиқа соат роппа роса беш ой ишлайди.

●Японияда сув ўтларидан 300 хилдан ортиқ миллий таомлар тайёрлаш мумкин экан деган хулосага келинди. Бу ўсимликлардан яна ҳар хил витаминлар, оқсилли ун, ўсимлик мойи, крахмал, турли аминокислоталар, қон босими ва толиқишга қарши дори-дармонлар ҳам олинади. Маълум бўлишича, қўшимча ёруғлик бу ўсимликларга яхши таъсир қилар экан. Бинобарин, улар тез ўсиб, таркибида янада кўпроқ фойдали моддалар тўплар экан. Япон олимлари сув ўтларини микроэлементлар ва фосфор тузлари билан махсус чироқлар билан ёритиш ҳисобига бу ўсимликлардан икки баробар кўп ҳосил олиш мумкинлигини исботладилар. Айни вақтда сув ўтларининг янги-янги серҳосил навларини яратиш устида ҳам иш олиб борилмоқда.

●Лондоннинг энг ёирик савдо кўчаси—Оксфорд-стрит йўл четидаги йўлаклар яқинда пиёдалар ҳаракатланиши учун қулай қилиб, қизил чизиқ чизилиб икки қисмга ажратилади. Биринчи қисмда туриш, чекиш, тамадди қилиш, пештахталарни томоша қилиш мумкин. Иккинчи қисмда эса ҳаракатланиш тезлиги соатига 5 километрдан кам бўлмаслиги лозим. Бу ерда чекиш, телефонда гаплашиш каби ҳаракатлар таъқиқланади. Қоидабузар 10 фунт стерлинг жарима тўлаши керак бўлади. 30 нафар назоратчи пиёдалар ҳаракатини кузатиб туради. Гап шундаки, йилига Оксфорд-стритга 9 миллион нафар сайёҳ ташриф буюради. Бу пайтларда кўчага 60 минг киши тўпланиб, бу ўзига хос муаммони вужудга келтирар эди. Энди эса шошган одам Оксфорд—стритга қараб юриб эмас, югуриб бориши ҳам мумкин. Йўлга кетадиган вақт тежалади.

●Исроилда ишлаб чиқилган янги жарроҳлик операцияси усули жаҳон даражасида ноёб бўлиб қарлар, шу жумладан, туғма кар бўлган болакайларга эшитиш қобилиятини қайтариш имконини беради. Операциянинг ноёблиги шундан иборатки, ички қулоқдаги жароҳатланган товуш механизмини айланиб ўтиб, қулоқнинг асосий эшитиш органи «чиғаноқ» қулоққа трансплантация қилинади ва у электродлар билан бевосита мияга уланади. Янги ишланма Тель-Хашомердаги «Шива» тиббий маркази лор бўлими мудири профессор Йона Кроненберг томонидан ишлаб чиқилди. Профессор Кроненберг «Маарив» газетасига берган интервьюсида таъкидлаганидек, ички қулоқнинг асосий унсури бўлган қулоқ чиғаноғи операцияларида одатда нозик электродлар сингдирилади ва чиғаноқ эшитиш нервига уланади. Бунда шуни эътиборга олиш керакки, касаллик ёки жароҳатланиш натижасида эшитиш қобилиятини йўқотганларда ҳам, туғма карларда ҳам мазкур нерв узилган бўлмай шунчаки ўчиб қолган холос. Қулоқнинг мазкур чиғаноғи ўз навбатида икки ярим оборотга айлантирилган спирали трубкани эслатади ва нозик плёнка билан икки бўлимга ажратилган. Ташқаридан ахборот олиб келган товуш тўлқинларини қабул қилиш оқибатида қулоқ пардаларининг тебраниши уларни қулоқ чиғаноғи ва ички қулоқ махсус қурилмаси ёрдамида механик тебранишларга айлантирилади ва чиғаноқдан эшитиш нервига ўтказади. Исроилда ишлаб чиқилган услубиятнинг хусусиятлари шундан иборатки, у умумий наркоз остида ўтади ва 2-3 соат давом этадиган оддий операциялардан фарқли равишда бир соатдан кам вақтни олади ҳамда одатда мушкул оқибатларга олиб келмайи.

UJMSHU TOSHKENT SHAHAR UJMSH UYUSHMASI
АССОЦИАЦИЯ ТСЖ г.ТАШКЕНТА

УЖМШ:

МЕНИНГ УЙИМ – МЕНИНГ МУЛКИМ

Қарор ва ижро

МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2005 ЙИЛ 10 ФЕВРАЛДАГИ «УЙ-ЖОЙ МУЛКДОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ «УЙ-ЖОЙ МУЛКДОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ ХУСУСИДА ҲАМ АЛОҲИДА АЙТИЛГАН ЭДИ.

Ана шу қарор ижроси таъминланиб 2006 йил 12 апрелда Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Ушбу янги таҳрирдаги Қонунда кўп квартирали уйларда уй-жой фондини биргаликда бошқариш ҳамда уни сақлаш, асраш ва таъмирлашни таъминлаш учун ихтиёрий бирлашма сифатида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ташкил этилиши ва фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсади кўзда тутилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Республика Вазирлар Маҳкамасининг ушбу Қонун ижросини таъминлаш бўйича қарорига кўра Тошкент шаҳар ҳокими тасдиқлаган чора-тадбирлар режаси белгиланган.

— Шу муносабат билан уюшмамиз семинарлар ташкил этиб,— дейди Тошкент шаҳар уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси бош муҳандиси Адҳам Расулов,— қабул қилинган Қонуннинг мазмун- моҳияти, унга амал қилиш борасида нималарга эътибор қаратилиши, мақсадга эришиш йўлида бажарилиши лозим бўлган асосий юмушлар, Қонун асосида иш юритишдан кўзланган ютуқлар, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тузишда амал қилиниши керак бўлган жиҳатлар, ширкат ва ширкат аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида йиғилганларга батафсил тушунтиришлар берилмоқда.

Албатта, Қонун ижросини таъминлаш ва у асосида иш юритиш кўп қаватли уйлар ҳолатини яхшилаш, асраш ва сақлаш, ободлигига ҳисса қўшиш, яшовчилар учун қулайликлар яратишда ҳамда ширкатга аъзо бўлган кўп қаватли уйларда яшовчиларда мулкдорлик ҳиссини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Ўтказилаётган семинарларга шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, туман халқ таълими бўлими, «Камолот» ЁИҲ шаҳар ва туман бўлимлари вакилларининг ҳам фаол иштирокининг таъминланиши жойларда Қонун мазмунини тушунтиришда ва ижро этилишида муҳим аҳамият касб этади. Айни, кунларда ана шундай семинар-йиғилишлар маҳаллаларда ҳам ўтказилмоқда.





Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТЛАРДА: шаҳримиздаги уй-жой мулкдорлари ширкатларида янги таҳрирдаги Қонунни тушунтириш ишлари олиб борилмоқда

Қонуннинг янги номи

Қонуннинг номи ўзгартирилгани—«Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги—кўп хонадонли мулкка эгалик ҳуқуқи ўзгартирилганини англатади. Бундан буёғига уй-жой фонди давлат мулки тасарруфига кирмайди. Квартиралар деярли ҳаммаси (98,5%) хусусийлаштирилганлигидан сўнг, кўпгина ҳолатларда кўп хонадонли уйлар хусусий мулкдорларга тегишли мулкка айланди.

Мулкдорларга тегишли хоналар — хусусий мулк ҳуқуқи асосида;

Умумий мулк—умумий улушли мулк ҳуқуқи асосида.

Умумий мол-мулк жой мулкдорларига умумий улушли мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади.

Қонуннинг 29-моддаси

Кўп хонадонли уйдаги умумий мулкка нисбатан умумий улушли мулк ҳуқуқи яшашга мўлжалланмаган хоналар эгаларига ҳам тааллуқли:

Яшаш учун мўлжалланган жой мулкдори умумий мол-мулкка нисбатан улушли мулк иштирокчисидир.

Қонуннинг 6-моддаси

Кўп хонадонли уйдаги умумий мулкка нисбатан умумий улушли мулк ҳуқуқи яшашга мўлжалланмаган хоналар эгаларига ҳам тааллуқли, демак, уйдаги умумий мулкни сақлашга қаратилган харажатларда қатнашиш хонадонлар мулкдорлари сингари уларнинг зиммасига ҳам қўйилади.

Кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланган жой мулкдори умумий мол-мулкни сақлаш ва таъмирлаш бўйича умумий харажатларни биргаликда зиммасига олиши шарт.

Қонуннинг 6-моддаси

Кўп хонали уйда мулк ҳуқуқи

Яшашга мўлжалланган хоналар (хонадонлар-квартиралар)

Яшашга мўлжалланмаган хоналар

•фуқароларга (жисмоний шахслар)

•ташкилотларга (юридик шахслар)

•давлатга

шахсий ёки давлат мулки ҳуқуқи асосида тааллуқли

Ер — давлат мулки

Ер участкалари ширкатга белгиланган тартибда доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилади.

Қонуннинг 35-моддаси

Умумий мол-мулк жой мулкдорларига умумий улушли мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади.

Қонуннинг 29-моддаси

Янги Қонунда хоналар мулкдорларга тегишли умумий мулкнинг рўйхати аниқланган

— Кўп квартирали уйнинг умумий жойлари;

— таянч ва тўсиқ конструкциялар;

— квартиралар оралиғидаги ихоталанган (ўралма) пиллапоялар;

— зинапоялар;

— лифтлар;

— лифтнинг шахталари ва бошқа шахталар;

— дахлизлар;

— техник қаватлар;

— ертўлалар;

— чердаклар ва томлар;

— уй ичидаги муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялари;

— жойлар ташқарисида ёки ичида жойлашган ва биттадан ортиқ жойга хизмат кўрсатадиган механик, электр, санитария-техника ускуналари ва қурилмалари ҳамда бошқа ускуналар ва қурилмалар *умумий мол-мулк ҳисобланади.*

Қонуннинг 28-моддаси

Жой мулкдорларининг умумий мол-мулкдаги улуши асл ҳолида ажратиб берилиши мумкин эмас.

Қонуннинг 29-моддаси

Барча мулкдорлар умумий мулкдан фойдаланиш ҳуқуқига тенг равишда эга:

Умумий мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи жой мулкдорларининг умумий мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқидаги улушига боғлиқ эмас.

Қонуннинг 29-моддаси

Умумий мол-мулкнинг айрим қисмлари ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши белгилаган тартибда ширкат аъзоларига ёки бошқа шахсларга фойдаланишга берилиши мумкин.

Умумий мол-мулкнинг айрим қисмларидан фақат ўз манфаатлари учун фойдаланувчи ширкат аъзоси ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши белгилаган миқдорда ширкатга ҳақ тўлаши шарт.

Қонуннинг 29-моддаси

Кўп хонадонли уйда мулк сақланиши учун масъулият

Уй-жой фондида мулкдорлик ҳуқуқи ўзгарганлиги туфайли кўп хонадонли уйларнинг ҳолати ва сақланиши учун масъулият **давлат органлари эмас, балки мулкдорларнинг** ўз зиммасига юклатилади:

•ҳар бир турар-жой ва яшашга мўлжалланмаган хона мулкдори ўз мол-мулкини тегишли техник ва санитария ҳолатида ўз ҳисобидан сақлайди.

•уйдаги умумий мол-мулкни барча жой мулкдорлари биргаликда сақлайдилар

Жой мулкдорлари умумий мол-мулкни сақлаш бўйича умумий харажатларни биргаликда зиммаларига олишлари шарт.

Қонуннинг 30-моддаси

Умумий мулкка нисбатан мулкдорларнинг мажбуриятлари умумий улушли ҳуқуқидаги уларга тегишли улушидан келиб чиққан ҳолда аниқланади:

Жой мулкдорининг умумий харажатлардаги иштироки улуши уйнинг умумий майдонидаги мулкдорга қарашли жой майдонига мутаносиб равишда белгиланади.

Қонуннинг 30-моддаси

Яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдорининг умумий харажатлардаги иштироки улуши уйнинг умумий майдонидаги мулкдорга қарашли яшаш учун мўлжалланмаган жой майдонига мутаносиб равишда белгиланади.

Қонуннинг 6-моддаси

Мулкдорнинг ўзига қарашли жойдан фойдаланмаслиги ёхуд умумий мол-мулкдан фойдаланишдан воз кечиши уни умумий харажатларда тўлиқ ёки қисми иштирок этишдан озод қилмайди.

Қонуннинг 30-моддаси

*Қонунда ширкат ва кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори ўртасида **мажбурий тартибда шартнома тузилиши** таъкидланган, бундан мақсад—нотурар жой мулкдорининг умумий мулкни сақлашда иштирокини таъминлаш.*

Қонуннинг 6-моддаси

Қонунда ширкат аъзоларининг «умумий харажатларни қоплаш» ҳақида гап борганда «мажбурий тўлов» ибораси юритилади

Ширкат аъзолари умумий харажатларни қоплаш учун ҳар ойда, қоида тариқасида, пул шаклида мажбурий бадаллар тўлайдилар.

Ширкат аъзоларининг **мажбурий бадаллари миқдори ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши** қарори билан белгиланади.

*Айрим ҳолларда ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши жой мулкдори томонидан **мажбурий бадалларнинг бир қисмини тўлашнинг пул шаклини** унинг умумий харажатлардаги иштирокининг бошқа турларига алмаштириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.*

Қонуннинг 30-моддаси

Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари—мулкдорларнинг умумий мулкни бошқариш ҳуқуқини амалга ошириш йўли

•Мол-мулк мулкдорлари мулкни сақлаш, хусусан, бошқариш, сақлаш ва таъмирлаш йўлларини танлашга оид мустақил қарорларни қабул қилишга ҳақлидир

•Кўп хонадонли уйдаги умумий мулк асл ҳолида бўлинмас бўлганлиги учун мулкдорлардан ҳеч ким умумий мулкдаги ўз улушини алоҳида бошқара олмайди

•Кўп хонадонли уйдаги умумий мулк бир йўл билан бошқарилиши керак ва умумий мулкка тааллуқли қарорлар мулкдорлар томонидан биргаликда (кўпчилик овози билан) қабул қилиниши шарт

Ширкатни тузиш—барча уй-жой мулкдорлари учун қуйидаги мақсадларга етиш йўли:

•Умумий мулкни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини ҳамда уни сақлашга қаратилган харажатларни биргаликда кўтариш мажбуриятини амалга ошириш

•Мол-мулк эгаларининг бирлашмаси сифатида қонуний мавқега эга бўлиш

•Умумий мулкка оид ўзаро муносабатларни Қонун асосида тартибга солиш

Ширкат уй-жой фондини биргаликда бошқариш ва уни сақлаш, асраш ва таъмирлашни, кўп квартирали уйдаги турар жойлар мулкдорларининг умумий мол-мулкидан фойдаланишни таъминлаш учун ташкил этилади.

Қонуннинг 30-моддаси

Ширкат фаолиятининг вазифалари:

•Кўп квартирали уйда умумий мулкни, уй-жой фондини биргаликда бошқариш,

•уларни сақлаш, асраш ва таъмирлашни таъминлаш,

•турар жойлар мулкдорларининг умумий мол-мулкидан фойдаланишга оид манфаатларини мувофиқлаштириш

Қонуннинг 1-ва 4-моддалари

Ширкат—уй-жой мулкдорларининг ўзини ўзи бошқаришининг ҳақиқий институти

Қонуннинг 8-моддаси

Ширкатнинг ҳуқуқий мавқеи

Янги Қонун ширкатларнинг ҳуқуқий мавқеини ўзгартиргани йўқ

Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати— юридик шахс, нотижорат ташкилоти бўлиб, ўз уставига мувофиқ ўзини ўзи бошқариш асосида фаолият кўрсатади.

Қонуннинг 3-ва12-моддалари

Янги Қонун ширкат фаолиятининг принципларини белгилади

Ширкат фаолияти қуйидаги принципларга асосланади:

- ихтиёрийлик;
- ташкилий ва молиявий жиҳатдан мустаҳкамлик;
- ўзини ўзи бошқариш;
- очиқлик ва ошкоралик;
- ўз ишини бозор механизмларига мувофиқ шартнома асосида ташкил этиш;
- коммунал хизматлар ва таъмирлаш хизматлари бозоридаги рақобат;

•уй-жой мулкдорлари олдида мунтазам ҳисобот бериш.

Қонуннинг 4-моддаси

Ихтиёрийлик принципи:

Ширкатни тузиш ҳақидаги қарор уй-жой мулкдорлари томонидан ихтиёрий равишда қабул қилинади.

Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати ихтиёрий бирлашма бўлиб, уй-жой хусусий мулкдорларининг ташаббуси билан

•кўп квартирали битта ёки яқин, зич жойлашган, ободонлаштириш элементлари бўлган умумий ер участкаси билан қамраб олинган бир нечта уйда ташкил этилади.

Қонуннинг 1-ва 3-моддалари

Ташкилий ва молийявий жиҳатдан мустақиллик:

Ширкат мустақил ташкилот бўлиб ўзининг бошқариш органларига эга:

- Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши ширкатнинг олий органидир.
- *Бошқарув ширкатнинг ижро этувчи органи бўлиб, ширкат аъзоларининг умумий йиғилишига ҳисобдордир.*

Қонуннинг 18-моддаси

(Давоми бор)

ХУСУСИЙ УЙ-ЖОЙ МУЛКДОРЛАРИНИНГ ШИРКАТЛАРИ: ҚОНУН ТОМОНИДАН ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ЯНГИ ЖИҲАТЛАР

МАЪЛУМКИ, 2006 ЙИЛ 12 АПРЕЛДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «ХУСУСИЙ УЙ-ЖОЙ МУЛКДОРЛАРИНИНГ ШИРКАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ. ТАҲРИРИЯТИМИЗГА МАКТУБ ЙЎЛЛАГАН ВА ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛАЁТГАН КЎПЛАБ МУШТАРИЙЛАРИМИЗ УШБУ ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ ҚОНУННИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ БЕРИШИМИЗНИ СЎРАШМОҚДА.

УШБУ ИЛТИМОСЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА БУГУНГИ САҲИФАМИЗДА ТОШКЕНТ ШАҲАР УЙ-ЖОЙ МУЛКДОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИ УЮШМАСИ МУТАСАДДИЛАРИНИНГ ҚОНУН ҲАҚИДАГИ ТУШУНТИРИШЛАРИНИ ҲАВОЛА ЭТАЯПМИЗ.

Сўранг, жавоб берамиз

ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ ҚОНУН

УЙ-ЖОЙ МУЛКДОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА ЧИҚАРИЛГАН ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ ҚОНУН ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ БЕРСАНГИЗ.

Инобат Қодирова, уй бекаси.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуни 2006 йил 12 апрелда қабул қилинди. Ушбу Қонуннинг асосий мақсади кўп квартирали уйларда уй-жой фондини биргаликда бошқариш ҳамда уни сақлаш, асраш ва таъмирлашни таъминлаш учун ихтиёрий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ташкил этилиши ва фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Янги таҳрирдаги Қонун 5 та бобдан ташкил топиб, 42 моддани ўз ичига олган. 1-боб «Умумий қоидалар», 2-боб «Ширкатни ташкил этиш. Ширкатнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари», 3-боб «Ширкатни бошқариш», 4-боб «Ширкатда мулк ҳуқуқи ва мол-мулк», 5-боб «Якунловчи қоидалар» деб номланади.

Қонуннинг 3-моддасида уй-жой мулкдорлари ширкатига қуйидагича таъриф берилган: «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати кўп квартирали битта ёки яқин, зич жойлашган, ободонлаштириш элементлари бўлган умумий ер участкаси билан қамраб олинган бир нечта уйдаги хусусий турар жойлар мулкдорларининг бирлашмасидир. Ширкат хусусий турар жойлар мулкдорларининг ташаббуси билан ташкил этилади, у нотижорат ташкилоти бўлиб, ўз уставига мувофиқ ўзини ўзи бошқариш асосида фаолият кўрсатади. Ширкат ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли барча мол-мулк билан жавоб беради ва ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Ширкат аъзоси ширкатнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди».

Фестивалар

ИЛК СОВРИНДОРЛАР АНИҚЛАНДИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИ ТАШАББУСИ БУ ЙИЛИ БИРИНЧИ МАРТА МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИ ЎРТАСИДА «ИСТИҚЛОЛ ЮЛДУЗЧАЛАРИ» КЎРИК-ФЕСТИВАЛИ ЎТКАЗИЛМОҚДА.

Айни пайтда эса жойларда ушбу фестивалнинг туман босқичлари бўлиб ўтмоқда. Учтепа туманида ўтказилган кўрик-танловда 18 та мактабгача таълим муассасасининг 200 нафар тарбияланувчилари ўз дастурлари билан қатнашиди.

— Аслида туманда 51 та мактабгача таълим муассасалари бўлса, улардан фақат деярли учдан бир қисми туман миқёсида иштирок этишга лойиқ деб топилди, — дейди туман мактабгача таълим муассасаси услубчиси Мактуба Гофурова. — Илк бор ўтказилаётган ушбу фестиваль болажонларимизнинг ўзлигини намоён этиши, ички «мен»ини шакллантириш, қолаверса саҳна маданиятини ўрганишга ундаши баробарида қандай қобилият эгаси эканлигини ҳам кўрсатиб беради.

Чиройли безатилган саҳнада байрам тадбирини 540-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари «Бахтли болалик» композицияси билан бошлаб беришди. 19, 217, 328, 346, 360, 361, 453, 455, 540, 592, 608-мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари кўзларида севинч билан ижро этган рус, турк, хоразмча ва бошқа халқлар рақсларию «Янги авлод», «Жўжаларим» сингари қўшиқлар томошабинларни хайратга солиб, уларнинг узоқ давомли олқишларига сазовор бўлди.

Фестивалнинг Юнусобод тумани босқичи эса Ўзбекистон Давлат консерваториясида бўлиб ўтди. Унда 35 та мактабгача таълим муассасаларидан 300 нафардан ортиқ болажонлар қатнашди.

— Ҳар бир болада ўзига яраша иқтидор бор дея оламан. Муҳими, уни тўғри йўналтира билишдир. Бу борада, албатта, ота-онанинг ўрни алоҳида, лекин ўсиб келаётган авлод тарбиясида биз, педагогларга юклатилган масъулиятли вазифани асло унутмаслигимиз лозим. Зеро келажакда фарзандларимиз қандай инсон бўлиб вояга етишида таълим-тарбия муассасаларининг ўрни алоҳидадир. «Истиқлол юлдузчалари» фестивалига келсак, ўйлайманки, бу саъй-ҳаракатларимизнинг бир кўриниши холос, — дейди туман халқ таълими бўлими услубчиси Дилдора Усмонова. — Дастлаб тадбир босқичлари барча 64 та мактабгача таълим муассасасида бўлиб ўтди. Туман миқёсида иштирок этаётган болажонларимиз турли халқлар ижодиётидан қўшиқ ва рақслар тайёрлаб келишган. Ният қиламиз, улар ҳам совринли ўринларни эгаллашади.

— «Истиқлол юлдузчалари» фестивали анъанавий бўлиб қолган «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқ байрами доирасида ўтказилмоқда, — дейди Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси мактабгача таълим бўлими бошлиғи Васила Абдурахмонова. — Давлатимиз томонидан болаларимизнинг ҳар томонлама камол топиши, жумладан уларнинг руҳий ва жисмоний ривожланиши, мактабгача тайёргарлик даражаси, айниқса эстетик тарбиясига катта аҳамият берилмоқда. Фестивалдан мақсад ҳам қичкинтойларимизда беғуборлик давриданоқ санъатга меҳр-муҳаббат уйғотиш, уларнинг қалбида инсоний фазилатларни шакллантириш, миллий ғурур, ватанпарварлик туйғуларини сингдириб бориш, шу билан бирга қобилият ва истеъдодларини қўллаб-қувватлаб ривожлантиришга кўмаклашишдир.

Кўтаринки руҳда ўтган ушбу тадбирлар сўнгида совриндорлар аниқланиб, фестивалнинг шаҳар босқичига йўлланма олдилар.

Шаҳло ҲОШИМОВА

Иқтисодиёт

УНУМЛИ ДАСТГОҲ КЕЛТИРИЛАДИ

«ТОШПАЙПОҚ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ТАДБИРКОРЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТ КЎРИНИШИ ВА СИФАТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ МАҚСАДИДА ЧЕТ ЭЛ ФИРМАЛАРИДАН ЗАМОНАВИЙ ТЎҚУВ ДАСТГОҲИ КЕЛТИРИШНИ МЎЛЖАЛЛАБ ТУРИШИБДИ.

2002 йилда фаолият бошлаган ушбу корхонада ҳозирги кунда пахта, жун ва синтетика хом ашёсидан қатталар ва болалар пайпоқлари ҳамда қўлқоплар ишлаб чиқарилмоқда. Бунинг учун Россия давлатидан келтирилиб, цехларга ўрнатилган тўқув дастгоҳлари қўл келмоқда.

— Ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишида, ишимиз ривожида, — дейди корхона раҳбари Абдуғаффор Ўрозов, — Президентимизнинг ўтган йилдаги Фармон ва Қарорлари катта аҳамият касб этмоқда. Уларда кўзда тутилган имтиёзлардан самарали фойдаланаяпмиз. Солиқ борасидаги енгилликлар бизга мадад бўлаяпти, текширишлар, ишимизга ноқонуний аралашувлар камайди. Мамлакат Қуролли Кучларига ўз маҳсулотимизни буюртма асосида етказиб бераяпмиз, савдо шохобчалари билан шартнома тузганмиз.

Ўтган йилда корхона ишчи-хизматчилари томонидан 252 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди, турлари эса 15 хилни ташкил этмоқда. Корхонага янги дастгоҳ келтириб ўрнатилгач эса ишчилар сафини орттириш, ёшларни иш билан таъминлаш кўзда тутилган.

«СИБУР» ЧОЙЛАРИ

ЁЗНИНГ ИССИҚ ПАЛЛАСИДА СОВУҚ ЧОЙ ҲАМ ЭНГ ЯХШИ ЧАНҚОВБОСДИ ИЧИМЛИКЛАРДАН САНАЛАДИ. АЙНИҚСА, У ХУШТАЪМ БЎЛСА, ТАНАНГИЗ ЯЙРАШИ ТАБИИЙ.

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «SIBUR» масъулияти чекланган жамиятида замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда 0,6 литрлик пластмасса идишларга қадоқланган 6 турдаги совуқ чойлар ишлаб чиқарилиб, харидорларга тортиқ этилмоқда. Бунга албатта, бугунги харидор талабини ўрганиш асосида эришилди.

— Ўтган беш йиллик фаолиятимиз давомида кичик цехдан катта бир корхонага айландик, — дейди директор Улуғбек Ҳайитов. — Цехларимиз яна 2 тага кўпайди ҳамда Италия ва Польша давлатларидан келтирилган линиялар билан жиҳозланди. Маҳсулот тайёрлаш учун сифатли концентратларни ҳозирда Германия ва Австралия давлатларидан келтирамиз. Маҳсулотларимиз тури 24 хилдан ортиб кетди. Ўтган уч йил давомида республикамизда ўтказилган фестивалда «Йилнинг энг яхши салқин ичимлиги» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритдик.

Ҳозирда тадбиркорлар хориждан янги линиялар келтириб ўрнатиш ва «SIBUR» шарбатларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида саъй-ҳаракатлар қилмоқда. Шунингдек, маҳсулотларни хорижий давлатларга экспорт қилиш ҳам режаланган. Бугунги кунда Афғонистон давлатидан корхона маҳсулотларига харидорлар бор.

Шарофат БАҲРОМОВА

Ўз-ўзи ўрганиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

АФЛОТУННИНГ ЎЗ ШОГИРДИ АРАСТУГА ҚИЛГАН НАСИҲАТЛАРИ

У қуйидагича буюради:

—Ҳамма илм пайидан бўлиб, қалбинг ҳам, кўзинг ҳам доимо бедор бўлсин, уйқу ва оромни ўйлаб бугунги ишни эртага қолдирма, уйқуга ётишдан олдин ўтказган кунинг ҳақида сарҳисоб қил, шу куни сендан қандай хато содир бўлди ёки шу куни сен яхши нарсалардан нимани ўргандинг, шу ҳақда ўйла. Бадбахт шундай кишики, ишнинг оқибатини ўйламайди, гуноҳ ишлардан ўзини тиймайди. Дунёда лаззат топса боши осмонга етиб шод бўладиган, бирорта қайғуга дуч келса ҳаммадан кўра кўпроқ фарёд кўтарадиган олимни олим деб ҳисоблама. Барчани бирдек сев, сержаҳл бўлма, жаҳлингни сочаверсанг борабора у сенинг одатингга айланиб қолади. Бугун биров сенинг олдингга муҳтож бўлиб келса, унинг ҳожатини чиқаришни эртага қолдирма. Бирор киши бирорта балога дучор бўлса, унга кўмак қўлини чўз, ҳар кимнинг гапини тўғри ёки нотўғри эканини билмай туриб, текширмай туриб, ҳукм чиқарма. Дунёда ҳикматдан фойдалироқ нарса йўқ. Ҳаким шундай кишики, унинг сўзи билан қиладиган ишлари бир бўлади. Қайси ишда бўлмасин сусткашлик қилма, яхшилик қилишда чегара бор деб ўйлама! Ҳакимлар ҳикматини ёд ол, мол-дунё ҳирсини кўнглингдан қув, ёқимли одоблардан кўз юмма, барча ишларни ўз ақлингга қулоқ солиб, чамалаб сўнг амалга ошир, тубан ишларга қўл урма, ҳамма билан гаплашганда ҳам камтарликни қўлдан берма. Бировни хор санама, ҳамиша адолатни ўзингга шиор қил!

Келтиришларича, Луқмони Ҳаким асли ҳабаш миллатидан бўлган экан. Унинг келиб чиқиши ва нашъу намо топиши ҳақида тарихчилар ва тазкирачилар жуда кўп нарсалар ёзишган. Биз бу ерда уни келтирамиз десак, сўз узоққа чўзилади. У ўзидан қолдирган насиҳатлари билан машҳур бўлган. Унинг табаррук сўзларидан қуйидагилар келтириладиким, у ўз ўғлига насиҳат қилиб айтган экан:

— Эй ўғлим, сен доимо сабру чидамни ўзингга йўлдош қил, нафсингнинг кўйига кирма, уни қийнашни энг улуғ йўл деб бил. Топганингга қаноат қил, керагидан ортиқча топишга интилма, таомдан очу, ҳикматдан тўқ бўл, одамларга кўполлик қилма, оғзингга нима келса гапираверма, ана шундагина сен турли хил балолардан омон бўласан. Одамлар сенда йўқ сифатлар билан сени мақтаса, алданма!

Эй ўғлим, нима гапирсанг ҳикмат ва насиҳатлардан гапир, гапиргач гапларингга аввало ўзинг амал қил, ўз касбинг ва мартабангга яраша гапир, одамларни ғазаб пайтида сина, дўстларни эса бошингга кулфат ва мусибат тушганда сина, доимо ёқимли ишларни амалга оширишга урин, гап гапирсанг далил ва ҳужжат билан гапир, ёшлигингни ғанимат бил, доно кишилар билан ҳамсуҳбат бўл, дўстларингни ҳурмат қил, одамларга очиқ юзлилик билан боқ!

Эй ўғлим, ота-онангни доимо ҳурмат қилиб, хизматида бўл, устоз ва муаллимингга жону дилингдан эҳтиром кўрсат, ота-онадан ҳам ҳурматлироқ деб бил, барча ишларда ўртача йўл тут, киримга қараб чиқим қил, сахий бўл, меҳмонни эъзозла, унга тилингни эҳтиёт қил, душмандан бир лаҳза ҳам ғофил бўлма, кам таъма бўл, бирор гапни гапиришдан аввал унинг жавобини беришни ўйла, баҳил ва такаббур кишилардан узоқ бўл, қаноатни ҳақиқий бойлик деб ҳисобла!

Эй ўғлим, доимо илм қидирувчи бўл, қайсар бўлма, ўз айтганингда туриб олма, ўзгалар гапини ҳам эътиборга ол, муроса йўлини тут, ҳамиша одамлар ичида бўл, улардан аҳрама, кексаларни ҳурмат қил, барчани эҳтиром билан тилга олгин, кимнинг тузини тотган бўлсанг, унинг ҳақини адо қилишни унутма!

Эй ўғлим, уст-бошингни тоза тут, ким билан гаплашсанг, унинг ўзига лойиқ бўлган гапни гапир, тунда кишилар билан суҳбат қурсанг сўзни юмшоқ ва оҳиста гапир, сўзлаётган вақтингда бир кишига қараб гапираверма, ҳаммага назар сол, кам емоқ ва кам ухламоқ сенинг севган ишинг бўлсин! Ўзингга нимани раво кўрсанг уни ўзгаларга ҳам раво кўр, қилган ҳар бир ишинг эса ақлу ҳикмат юзасидан бўлсин! Ўзинг яхши билмаган ва ўқимаган ҳолда бировга ўргатма ва устозлик қилма!

Эй ўғлим, сир сақлай билмайдиган кишиларга, айниқса болаларга сир айтма, ҳамма ҳам яхшилик қилади, деб ўйлама, кишини нокас ва баҳил эканини билсанг ундан яхшилик чиқади, деб хаёл қилма, бировнинг ҳожати тушиб олдингга келса ноумид қилиб қайтарма, ўзингдан катталар билан ҳазиллашма, уйда бор нарсаларингни душман кўзидан яширин тут, ўз ака-укаларингни ҳурмат қил!

Эй ўғлим, бир кўришдаёқ синамай туриб, бировга кўнгил қўйма, ўз қадрини билмайдиган кишилардан яхшилик умид қилма, офтоб чиққунча ухлама, ҳадеб қулаверма, бадном кишиларга суҳбатдош бўлма, кексалар ва улуғ кишилар олдига тушиб олиб, улардан илгари юрма, одамлар гаплашаётган пайтида уларнинг сўзини бўлиб, гап солма, меҳмоннинг олдида бировга ғазабингни сочма, бошингни эса қуйи солмасдан ўтир!

Абулбаракот ҚОДИРИЙ

Кимки маслаҳатлашиб иш тутса, ҳеч қачон пушаймон бўлмайди. Кимки тежамкорлик билан ўртача йўл тутса, ҳеч вақт камбағал бўлмайди.

Муҳаммад ЗЕҲНИЙ

Бир ҳаким шундай дейди:

— Дўстинг берган маслаҳат туфайли иш тутсанг-у, бироқ натижа ёмон бўлиб чиқса, сен дўстингни маломат қилма, унга: «сен айтгандек қиламан деб, ишим чаппасидан кетди, нега ҳам сенга маслаҳат солдим-а!» демагин. Чунки яна иш юзасидан ночор унга маслаҳат солсанг, маслаҳати тўғри бўлса-да, оқибати ёмон бўлишидан қўрқиб, сенга айтмайди.

«ФАВОКИҲ ал-жуласо»

Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган

2-Тошкент юридик коллежи томонидан 2003 йилда Холматов Акмал Асатуллаевич номига берилган № 603 рақамли ўқувчилик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси Миробод туман 1-сонли давлат нотариал идораси катта нотариуси **Аскар Маъруфович ХАЛМУХАМЕДОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдард изҳор этади.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ: «ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БИЗДАН КЎРА КУЧЛИ, БИЛИМЛИ, ДОНО ВА АЛБАТТА БАХТЛИ БЎЛИШЛАРИ ШАРТ», ДЕБ АЙТГАН СЎЗЛАРИДА КАТТА МАЪНО БОР, АЛБАТТА. БУГУНГИ ЁШЛАРИМИЗ ҲАҚИҚАТАН ҲАР ТОМОНЛАМА ЕТУК, ҒАЙРАТЛИ, ШИЖОАТЛАРИ БАЛАНД ҲАМДА БИЛИМГА ИНТИЛУВЧАНЛИКЛАРИ БИЛАН БАРЧА СОҲАЛАРДА ЮКСАК ЮТУҚЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТМОҚДАЛАР.







ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР — МЕҲРИМИЗ АРДОҒИДА

Айтиш жоизки, ҳар қандай мамлакат иқтидорли, салоҳияти юксак ёшлари билан дунёда ўз маънавий даражасини намойиш этади. Куни кеча Ўзбекистон Республикаси «Меҳр-мурувват» жамғармаси, Тошкент шаҳар ҳокимияти, шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими Кенгаши, шаҳар Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Кенгаши ташаббуси билан Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Иқтидорли ёшлар — меҳримиз ардоғида» шиори остида академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган кам таъминланган оилаларнинг иқтидорли фарзандлари ва ногирон ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича иқтидорли ўқувчи-ёшлар форуми ўтказилганида ҳам бунга амин бўлдик. Унда Тошкент шаҳар Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган иқтидорли ўқувчилар, халқаро, республика кўрик-танловлари ва фан олимпиадалари, спорт мусобақаларида фахрий ўринларни эгаллаган ўқувчилар, уларнинг устозлари ва ота-оналари таклиф этилди. Тадбирда шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Шавкат Жавлонов сўзга чиқиб, бугунги кунда мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама билимли, ҳунарли бўлишлари учун барча шарт-шароитлар яратилганлиги, ёшларимиз орасида истеъдодли, иқтидорли ўқувчилар сафи кенгайиб бораётганлиги, улар барча соҳаларда катта муваффақиятларни қўлга киритаётганликларини фахр-ифтихор билан сўзлаб, уларни ютуқлари билан муборакбод этди. Шундан сўнг номинациялар бўйича халқаро миқёсдаги ва республика кўрик-танловлари, фан олимпиадалари, спорт мусобақаларида фахрли ўринларни эгаллаган иқтидорли ўқувчилар ҳомийлар томонидан Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Шу билан бир қаторда кам таъминланган оилалар фарзандлари, етим ва ногирон иқтидорли ўқувчилар ҳам моддий ва маънавий рағбатлантирилдилар.

Ушбу тадбирда, шунингдек, истеъдодли ёшлар томонидан ишланган расмлар, турли хил халқ амалий санъати безаклари ва буюмлар, тикувчилик, тўқувчилик бўйича бажарилган ишлар кўргазмаси йиғилганлар эътиборини тортди.

—Бундай тадбирларни ўтказишдан мақсад иқтидорли ўқувчи-ёшларимизни қўллаб-қувватлаш, уларни янада юқори чўққиларни забт этишга чорлаш ва кўмак беришдан иборат,—дейди Республика «Меҳр-мурувват» жамғармаси Тошкент шаҳар вакили Озода Каримова.—Биз албатта мана шундай иқтидорли ёшларимиз билан фахрланамиз. Истеъдодли ёшларимиз мустақил Ўзбекистонимиз шаънини ҳимоя қилишда, юртимиз довруғини бутун жаҳонга таратишда, мамлакатимиз тараққиётини яна ҳам юксалтиришда муносиб ҳисса қўшадилар деб умид қиламиз.

— Ҳукуматимиз ва Юртбошимиз томонидан ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан жуда бахтиёрмиз,— дейди 1-Тошкент педагогика коллежи ўқувчиси, «Энг яхши китобхон» республика кўрик-танлови совриндори Жамола Ҳайдарова. — Мен китоб ўқишни жуда яхши кўраман. Китоб улкан хазина. Китоб билим доирамизни кенгайтиради, маънавиятимизни бойитади. Мен барча ёшларни китобни севишга, кўп мутолаа қилишга чорлайман.

— Бугунги кунда барча соҳалар каби санъат соҳасида истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватланаётганлигидан чексиз миннатдормиз,— дейди Ҳамза номидаги мусиқа коллежи ўқувчиси Жасур Мирсагатов.— Мен ўз ижодим билан санъатимиз тараққиётига озгина бўлсада улуш қўшаётганимдан хурсандман. Келгусида ниятларим бисёр. Бизга берилаётган эътибор ва ишончни оқлаш учун янада кўпроқ ижод қилиб, юксак марраларни эгаллашга ҳаракат қиламан.

Форум ниҳоясида иқтидорли ўқувчиларнинг ота-оналари ҳам сўзга чиқиб, уларнинг бундай ютуқларни қўлга киритишларида устозларининг ҳам хизматлари беқиёс эканлигини таъкидлаб, ўз миннатдорликларини изҳор қилдилар.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТЛАРДА: Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган иқтидорли ўқувчи ёшлар форумидан лавҳалар.

Владимир Гранкин олган суратлар

«ЭКОСАН» ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИ, «ЭКОСАН-ТУР» ЭКОЛОГИК ТУРИЗМ ХАЛҚАРО МАРКАЗИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА 2006-2010 ЙИЛЛАРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА АСОСАН, ШУНИНГДЕК, БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШДА, ТАБИАТ ВА МАДАНИЯТ ЁДГОРЛИКЛАРИНИ САҚЛАШДА, МАҲАЛЛИЙ АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ЯХШИЛАШДА, ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИНГ АҲАМИЯТИНИ ИНОБАТГА ОЛГАН ҲОЛДА ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «МАРКАЗИЙ» МЕҲМОНХОНАДА «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭКОТУРИСТИК САЛОҲИЯТИ» МАВЗУСИДА ХАЛҚАРО УЧРАШУВ ЎТКАЗДИ.

Учрашувлар

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭКОТУРИСТИК САЛОҲИЯТИ

Тадбирда вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, туристик фирма ва компаниялар, меҳмонхоналар раҳбар ва вакиллари, дипломатик корпус аъзолари, халқаро ташкилотлар вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Учрашув доирасида мавзуга оид кўргазма ташкил этилди. Шунингдек, «Экосан» халқаро ташкилотининг «2006-2010 йилларда экотуризмда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастури»нинг тақдимоти бўлиб ўтди.

Кўпгина хорижий мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришда, айниқса бошқа имкониятларга эга бўлмаган чекка минтақаларда экотуризмни ривожлантириш муҳим омиллардан ҳисобланади.

Учрашувни «Экосан» Халқаро ташкилоти раиси Юсуф Шодиметов олиб борди. Учрашув иштирокчиларининг чиқишларида таъкидланганидек, туристик бозорнинг ўн фоизини экотуризм эгаллаган ва унинг кейинги йиллардаги жадал суръатларда ривожланиши туризм индустриясининг умумий ривожланишидан 2-3 маротабага ошган. Ўзбекистонда туризм тараққиётининг мавжуд имкониятлари - Самарқанд, Бухоро,Хива ва бошқа жойлардаги тарихий, архитектура ва маданий ёдгорликлардан ташқари бетакрор табиий объектлар билан ҳам боғлиқ ва шу муносабат билан табиатда дам олиш,экотуризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ўзбекистоннинг экосайёҳларни ўзига жалб этувчи омилларидан бири- унинг ландшафти, флора ва фаунага бой бетакрор табиатидир. Шунингдек, республикамизнинг табиий иқлим шароити ҳам рекреациянинг муҳим омилларидан биридир. Чунки март ойидан октябрь ойигача сақланиб турадиган иқлим шароитлари дам олиш ва экотуризмни ривожлантириш учун жуда қулайдир.

— «Ўзбекистоннинг экотуристик салоҳияти» мавзусида халқаро учрашувни ўтказишдан кўзланган мақсад,—дейди «Экосан» Халқаро ташкилоти раиси Юсуф Шодиметов,— мамлакатимизнинг минтақалари бўйича янги экосайёҳлик— экскурсия йўналишларини ташкил этиш ва мавжудларини янада кенгайтириш, экологик туризмни ривожлантириш, минтақавий дастурларни ишлаб чиқиш масалаларини муҳокама қилиш, Марказий Осиёда ўзининг экотуристик заҳираларига кўра етакчи ўринни эгаллаган Ўзбекистоннинг экотуристик имкониятларини очиб бериш ва бунинг асосида ички ва халқаро экосайёҳликни, экотуризм инфратузилмасини ривожлантириш, сайёҳларни республикамизга жалб этишдан иборатдир.

Гулором ҲАМИДОВА

«Тошкент оқшоми» саломатлик хизмати

МИГРЕНДАН ҚАНДАЙ ҚУТУЛИШ МУМКИН?

тиббиёт фанлари номзоди Ф.Саидов билан суҳбат

— Аввало «мигрен» сўзининг луғавий маъносига мурожаат қилайлик: такрорланиб турадиган ҳуружлар сифатидаги бош оғриғи (одатда бошнинг ярми оғрийди) демакдир. Бош оғриғи мия қон томирларининг қисилиши натижасида юзага келадиган кўнгил айниши ва қайт қилиш билан бирга кечади. Оқибатда қон ивиб, тўпланиб қоладиган ўчоқлар пайдо бўлади.

Умуман олганда 90 фоиздан ортиқ одамлар ҳаётларида бир марта бўлса ҳам бош оғриғини ҳис этишади. 50 фоизга яқин кишилар эса тез-тез ушбу дард азобини тортишади. Бош оғриғининг хилма-хил сабаблари бўлиши билан бирга, шунга мувофиқ равишда турли хиллари ҳам мавжуд. Шулардан бири мигрен хасталигидир. Унинг мазмунидан эса юқорида хабардор бўлдик.

— Бошқа хил бош оғриқларидан мигреннинг фарқи нимада?

Бошқа турдаги (зўриқишдан, томирлар қисилиши, жароҳатлардан ва ҳоказолардан келиб чиқувчи) бош оғриқлари ҳам мигрендагига ўхшаш аломатларга эга бўлиши мумкин. Лекин бу хасталикнинг ўзигагина хос белгилар, уни бошқаларидан ажратиб туради.

Биринчидан, бу оғриқнинг ўзига тегишли. Одатда, бошнинг ярми оғрийди. Юқорида кўрганимиздек, касаллик номида ҳам шу нарса акс этган. Мигрен - лотинча «Гемикранос» — бош ярмининг оғриғи маъносини билдиради.

— Гемикранослар тадқири унинг яна қандай белгилари бор?

—Оғриқ дам-бадам кучайиб-пасайиб туради ҳамда кўнгил айниши ёки қайт қилиш билан бирга кечади. Одатда, озгина жисмоний ҳаракат ҳам оғриқни кучайтиради. Бундан ташқари фото ва фонофобия таъсири ҳам оғриқни кучайтиради – яъни ёруғлик ва товуш ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатади. Касалликнинг бир ҳуружи 4 соатдан 72 соатгача чўзилади. «Классик» мигрен деб аталувчи бош оғриғида бошқа турдаги бош оғриқларида учрамайдиган яна бир белги мавжуд бўлиб, у бевосита оғриқ бошланишидан олдинги муайян белгилар намоён бўладиган даврни ўз ичига олади. Лекин бу ҳолат беморларнинг фақат бешдан бир қисмида учрайди.

— Айнан мигренга боғлиқ яна қандай аломатлар бўлиши мумкин?

— Ҳақиқатан бу касалликнинг бошқа хил бош оғриқларидан фарқланувчи яна бир ўзига хос белгиси бўлиб, у ҳақда алоҳида тўхталиш жоиз деб ўйлайман. Бу – оддий аналгетик ва спазмолитик дориларнинг таъсир эта олмаслигидир.

Мигрен хасталигида аналгин ҳам, у билан қўшилган мураккаб таркибли бошқа дори-дармонлар ҳам ёрдам беролмайди. Улардан бир мунча енгиллик туғилиши мумкин-у, лекин бутунлай бош оғриғидан халос бўлишнинг имкони йўқ.

— У ҳолда мигренни нималар билан даволаш мумкин?

— Мигрен ривожининг асосида бош мия серотонин рецепторлари муҳим аҳамиятга эга бўлгани учун ҳам уларга қарши тура оладиган дори-дармонлар – серотонин рецепторларининг антагонистлари ва агонистлари самарали бўлиб чиқди. Антагонистик дориларга жумладан эрготамин киради. Эрготамин кофетамин, вазобрал, белласпонлар таркибида мавжуд.

Аммо шунга қарамай, триптан деб ном олган 5НТ1 рецепторлари агонистлари асосий дори ҳисобланади. Суматриптан (имигран) шу гуруҳга мансуб илк дори бўлганди. Триптанларнинг кейинги авлодига золмитриптан (зомиг) ва наратриптан (нарамиг)лар мансубдир. Амалда 80 фоиз беморларда у мигрен ҳуружларининг пайини қирқади. Бу жуда юқори самарадорлик кўрсаткичидир.

Ҳозирги вақтда фармацевтика бозорида мутлақо янги хил триптанлар – элетриптан, ризатриптан, фроватриптан ва бошқалар пайдо бўлган. Улар мигренни даволашда муносиб ўрин эгаллашига шубҳа йўқ. Бироқ, афсуски, бу касалликнинг олдини олишда улар ҳам кучли таъсирга эга эмас.

— Сиз айтгандай, мигреннинг олдини олишда нималардан фойдаланса бўлади?

— Дори-дармонлардан юқорида тилга олинган эрготаминли препаратларни қўллаш мумкин. Шунингдек, антидепрессантлар – жумладан, амитриптилиндан фойдаланиш яхши натижа беради. Шу билан бирга, нестероидли шамоллашга қарши дорилар ҳам бир қадар профилактик таъсир кучига эга. Чунончи, диклофенак, ортофен ва бошқалар.

Агар фармакология доирасидан ташқарига чиқадиган бўлсак, мигренни қўзғатувчи омилларни истисно қилиш жуда муҳимдир. Айни пайтда бу хасталикни даволашда терапиянинг бошқа турларини – рефлексотерапия (массажнинг кўпгина турлари, игна билан даволаш ва ҳ.к.), сув муолажалари (масалан, гиёҳли ванналар) қўлланиш мақсадга мувофиқ.

Беморлар ўз меҳнат ва дам олиш режимларини аниқ белгилаб олишлари зарур. Организм қувватини тиклашнинг муносиб омилини қўлламай туриб, доимий толиқиб юришдек мигренни зўрайтирувчи сабаб топилмаса керак...

Тадбирлар

ИЛМ-ФАН ЗАҲМАТКАШИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ «МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» МАРКАЗИДА ХОТИРА ТАДБИРИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Мазкур тадбир ташкилотчиси Миллий университет қошидаги Олий педагогика институти бўлиб, унинг иштирокчилари — фалсафий жамоатчилик вакиллари ва институт тингловчилари, фалсафа соҳаси учун кадрлар тайёрлаш ишига улкан ҳисса қўшган олим, иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси Николай Косенков ҳақида унинг сафдошлари, ҳамкасблари ҳамда шогирдларининг ёдномаларини тингладилар.

Тадбирни қисқача кириш сўзи билан Олий педагогика институти директори, тарих фанлари доктори, профессор Ш.Шаропов очди. Институт профессори, фалсафа фанлари доктори А.Жалолов «Устоз ҳақида сўз» мавзуида маъруза қилди. Тадбирда академик С.Шермуҳамедов, профессорлар А.Аюпов, Ғ.Шоюсупова, фалсафа фанлари докторлари А.Абдусамедов, М.Нурматов, иқтисод фанлари номзоди Л.Ефимова, Н. Косенковнинг набираси М.Долгушиналар сўзга чиқдилар. Сўз олганларнинг барчаси Н.Косенков узоқ ва сермаҳсул ҳаёти давомида ёшлар учун ибрат бўладиган умр кечирганлигини алоҳида таъкидладилар.

Айтиш керакки, Николай Косенков машҳур академик, республика Фанлар академиясида 18 йил давомида (1956-1974) вице-президент вазифасида меҳнат қилган И.Мўминовнинг номзодлик иши бўйича (1941) ягона расмий оппонент бўлган.

Ижтимоий фанлар ўқитувчилари малакасини ошириш (ҳозирги Олий педагогика институти) институтининг-фалсафа кафедрасида 20 йилдан зиёд вақт (1970-1991) давомида ишлаган Н.Косенков нафақат бизнинг, айни пайтда, ҳозирги МДҲ мамлакатлари фалсафа ўқитувчиларининг илмий-назарий савияси ва услубий маҳоратини ошириш ишига жиддий ҳисса қўшди.

Н.Косенковнинг тарбиявий, сабоқбахш ўгитлари ва ибратли ҳаёти — халққа, илм-фанга, эзгуликка хизмат қилишнинг юксак намунаси бўлиб, у шубҳасиз, ёшларни чинакам ватанпарварлик ва байналмилалчилик руҳида камол топтиришнинг муҳим омилидир.

Н.ТОШМУҲАМЕДОВА, М.ЭЛМУРОДОВА

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ, СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ЖИҲАТИДАН ВА МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ХУДУДИЙ БЎЛИМИ ТОМОНИДАН ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ БИНОСИНИНГ КАПИТАЛ ТАЪМИРИ БЎЙИЧА ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛАДИ

Тендерда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1.Қурилиш ташкилоти гувоҳномаси

2.Ташкилот раҳбари паспорт нусхаси

3.Низом

4.Ташкилот молиявий аҳволи ҳақида ДСИ томонидан берилган маълумотнома

5.2005 йил мобайнида ташкилот олиб борган фаолияти ҳақида маълумотнома

Қурилиш ташкилотлари тендерда иштирок этиш учун Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимига 2006 йил 7 июнь кунига қадар ҳар куни мурожаат қилишлари мумкин.

Тендер 2006 йил 9 июнь куни соат 10-00да бошланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават.

Маълумот учун телефонлар: 142-16-37.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-706

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
3162 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6